



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ КУРАШИНING ЮКСАЛИШИ

Назаров Расулбек¹, Гулора Равшанова²

¹Қарши давлат университети талабаси

²Қарши давлат университети ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6325607>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 10-Fevral 2022

Ma'qullandi: 15 - Fevral 2022

Chop etildi: 20 - Fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

Kurash, kushti, kushtigir, halol, taboq, miyongarlik, belbog', Alpomish, Go'r og'li

ANNOTATSIYA

Ushbu maqola Sohibqiron Amir Temur davrida milliy oynlarga ayniqsa kurashga bolgan etibor milliy oynlarning ahamiyati haqida sozlaydi

Жаҳондаги ҳар бир миллатнинг ўз миллий спорти бўлгани каби ўзбекларнинг ҳам кураш турлари илдизилари жуда олисга бориб тақалади ҳамда улар асрлар оша тобора такомиллашиб, бизнинг замонамизгача миллий ва умуминсоний қадрият сифатида ҳамон эъзоланиб келинмоқда ва тобора доврў қозонмоқда. Кураш азалдан олижаноблик, мардлик ва ҳалоллик рамзи, ўзбек халқининг бир неча асрлик тарихига эга миллий-маданий меросининг ажралмас қисми ва бебаҳо бойлигидир.

“ Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да таъкидланганидек: “**Кураш** йиқилиш, ғолиб чиқиш учун икки киши ўртасида маълум қоидаларига асосланган олишув, беллашув. **Кураш тушиш**- йиқилган ёки ғолиб чиқиш учун ўзаро беллашмоқ курашмоқ” (Ўзбек

тилининг изоҳли луғати. 2-ж-Т., 2006. Б. 433)

Шеърят мулкининг султони Алишер Навоий асарларида кураш-кушти; куштигир- курашчи полвон, куштидонлиги-курашни яхши билишлик деб таърифланган, (Навоий асарлари учун қисқача луғат-Т., 1993. Б.138).

Шоҳ ва шоир Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг “ Бобурнома” асарида ҳам “кушти”- кураш, “куштигир”-кураш тушувчи полвон, “миёнгарлик”-бел ушламоқ, курашмоқлик деб изоҳланган.(“Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат- Андижон, 2008. Б. 96). Демакки, “ Кураш” сўзи халол йўл билан ғалабага эришиш маъносини англатади ҳамда ўзида мардлик, кучли ирода, ҳалоллик ва рақибга нисбатан ҳурматни англатади.



Бутун жаҳон назарига тушиб доврү ва шуҳрат қозонаётган, миллионлар оммасини ўзига маҳлиё этаётган ўзбек миллий кураши қадимги оммабоп спорт тури ҳисобланиб, ўзининг чуқур тарихий илдизларига эгадир. Буни археологик, этнографик маълумотлар ва ёзма манбалар тўла тасдиқлайди.

XX асрнинг 40-50 йилларида С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археологик-этнографик комплекс экспедицияси йиллаб курашга оид кўплаб ашёвий манбаларни топишган. Академик А. Асқаровнинг тадқиқотларига кўра, археологик илмий қидирув натижасида аниқланган кўплаб ашёвий далилар ўзбек курашининг ёши камида 2,5-3 минг йилдан зиёд эканлигини исботлайди. Сурхон воҳаси, Зарафшон ва Фарғона водийларининг бир қатор қадим аҳоли манзилгоҳларидаги тасвирий санъат намуналари ҳам бунга тўлиқ шоҳидлик беради.

Масалан, Суғдиёнада топилган сурат диққатга созовор бўлиб, унда кумуш дастали қадаҳларга жижимадор қилиб нақш билан безатилган. Кумуш қадаҳ дастаси суратида икки паҳлавоннинг беллашуви тасвирланган. Паҳловонларининг бири иккинчисининг бошини пастга босса, иккинчи паҳлавон ўнг қўли билан рақибнинг белидан кўтармоқчи бўлгани тасвирланган. Академик А. Асқаров ўз илмий тадқиқотларида бу кураш эркин кураш тушиш деб атади.

Ҳозирги кунда янада тўлиқ тадқиқни кутаётган кўплаб топилмалар мавжудки, уларда миллий

курашимизнинг жуда қадиймийлиги ўзига хос бир қатор муҳим жиҳатлари акс этганлигига тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Ўзбекистон ҳудудидаги археологик ёдгорликлардан Тянь-Шан тоғ тизмасининг шимолий қисмидаги Тангритоғ ғоридан топилган қоятош расмлари (петроглифлар) ота уруғига оид (мил.авв. 4 минг йил бурун) давридаги бронза безакда скиф-сармат қабилаларига мансуб кураш тушаётган одамлар тасвирланган (мил. аввалги V аср). Панжикентдан топилган кураш тушаётган икки паҳлавоннинг деворий сурати Суғдиёна давлатчилигига, яъни ўрта асрлар даврига оид ноёб ёдгорлик ҳисобланади. Шундай ашёлардан яна бири цилиндр шаклидаги сопол идиш бўлиб, у қадимги Бақтрия (жанубий Ўзбекистон) ҳудудидан топилган . Унинг бир парчасида икки нафар курашчи ва улардан бир нафари рақиб оёғида чалаётгани тасвирланган. Яна бир идиш гардишидаги ҳайкалчаларда ҳам паҳлавонларнинг қўлларини кўтариб курашга шайланаётган ҳолати ўз ифодасини топган. Бу идишлар бронза даврига оид бўлиб , у ўзбек курашининг тарихи яна ҳам кўпроқ , яъни 3,5 минг йил эканлигидан далолат беради.

Навбатдагги топилма ҳам бронза даврига оид иккита от тақаси ҳисобланади. Ўзбек кураши усуллари тасвирланган ҳар иккала тақа рус қадимшуноси, профессор М.П. Грязновнинг ёзишича, сак-скиф қабилалари маънавий дунё қараш



руҳида ишланган бўлиб, кўчманчилик даврининг дастлабки босқичларига оиддир. Милодий I минг йилликнинг ўрталарига мансуб чўмич гардиши сиртида ҳам икки паҳлавоннинг кураш тушаётган ҳоллати акс эттирилган. Мутахассисларнинг фикрича, у чўмичнинг қадимги Византияга таллуқлилиги эҳтимоли ҳам мавжуд.

Самарқанд шаҳри Челак қишлоғидан топилган ашёлар ҳам ўтмишдан садо беради. Геометрик нақшлар солинган ушбу идишлар орасидан кумуш дастали қадаҳ киши эътиборини ўзига тартади. Унинг дастаси сиртида икки полвон худди ўзбек кураши услубида беллашаётгани ифодаланган. Мазкур топилма илк ўрта асрлар даврига оиддир. Милодий V асрга оид кумуш чўмичнинг ташқи қисмидаги безакларда курашнинг тасвирловчи олтита манзара ўрин олган. Мазкур ёдгорлик дастлаб Россиянинг Санкт-Петербург шаҳридаги Давлат Эрмитажида турган, ҳозирги даврда эса Германиядаги Тарих музейида сақланмоқда. Милодий VII асрга оид Самарқанддаги деворий расмда курашаётган икки суғд паҳлавони ҳам тасвирланган.

Фольклоршунослик тадқиқотларига кўра, энг қадимги дoston, эртақ ва ривоятларда ҳам кураш ҳақида кўплаб лавҳалар мавжуд. Уларнинг мазмунига диққат қилсангиз, она уруғи ҳукмронлиги даврига тегишли эканлигига амин бўласиз. Бундан келиб чиқадики, ўзбек курашининг тарихи уч минг йилдан ҳам олдинги мозийга бориб тақалади. Миллий курашимизнинг кўп асрлик тарихи

шундан далолат берадики, аجدодларимиз назарида кураш, энг аввало, полвонларнинг ҳар томонлама етуклиги намуна сифатида шараф топган.

Полвонларнинг жисмоний бақувватлиги, қадди-қомадлилиги, курашга моҳирлиги, эпчиллик жиҳатлари, кенг даврада ўзларини тутиши, ахлоқ-одоби, маънавий қиёфаси, рақибига, теварак-атрофга муносабати ва бошқа эзгу фазилатлари алоҳида ўрин эгаллаган. Шунингдек, курашда кураги ерга тегмаган паҳлавонларга пиру устоз сифатида эргашиш, панду насиҳатларига қатъий амал қилиш ҳам ўзига хос азалий анъана бўлиб келган.

Мозий саҳифаларига назар солсак, бундан 2500 йил муқаддам “Тарих отаси” Геродот (туғилган йили мил.аввалги 484 й) “Тарих” китобида қадимда ҳозирги Ўзбекистонда яшовчи аҳолининг кураш удумлари ҳақида ёзиб қолдирган.

Юнон муаллифи Эллиан Клавдий (мил. II аср охири -III аср боши) маълумотларга кўра, агар бирор қабиланинг йигитлари уйланмоқчи бўлишса, қиз билан курашда енгиши шарт бўлган. Бу курашда йигит ғолиб келса, қиз куёвники бўлган. Агар йигит қизни енга олмаса, йигит унинг асирига айланган.

Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (мил. I аср) “Александр Македонский тарихи” асарида Македониялик Искандар Ўрта Осиёга юриш қилганда (мил. аввалги IV аср) унга қарши



курашган халқ баҳодирларининг мардлигига, ўлимни ҳам назар-писанд қилишмаганлигини, ҳаттоки, жаҳонгир Искандар ҳам уларнинг ботирлигига қойил қолиб, ҳаётларини сақлаб қолганлиги ҳақида ёзаган.

Хитой манбаси “Тан-Шу” да (X аср) Хуросондаги Наврўз байрамида аҳоли икки тараф бўлиб, кураш мусобақалари уюштирилганлиги қайд этилган.

Ўзбек фольклорининг нодир намуналари бўлмиш “Ҳасан ва Зуҳро” эртагида, “Алпомиш”, “Тўлғаной”, “Гўрўғли” каби кўплаб дostonларда ҳам кураш анъаналари бадиий лавҳаларда теран тасвирланган.

VIII аср бошларида араблар Мовароуннаҳрга бостириб киришганда полвонлар истилочиларга қарши мардонавор курашишган. Қутайба ҳар бир полвонни маҳв этиш учун уларнинг бошларига ўнг минглаб дирҳамлар тиктирган. Лекин халқ ўз баҳодирларини сотмаган Ватан, озодлиги учун мардонавор курашган. Истилочилар бу билан чекланмасдан анъанавий курашни таъқиқлашган ҳам.

Араб географи ва Мақсидий (Муқаддисий) (947-1000) маълумотича, Балх, Марв, Самарқанд каби йирик шаҳарларда кураш мусобақалари, асосан Наврўз айёмида ўтказилган.

Буюк алломалар Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” “Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Кайковуснинг “Қобуснома” Абдураҳмон Саъдийнинг “Гулистон”,

Ибн Синонинг “Тиб илми қонунлари” Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида ҳам кураш санъати бўйича қизиқарли маълумотлар келтирилган. Кураш ҳақида улуғ аждодимиз, тиб илмининг султони Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” китобида “Кураш ҳар хил турлардан иборат. Шулардан биттаси икки эркак бир-бирларининг белбоғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутилишга интилиб ҳаракат қилади, лекин бири бошқасини қўйиб юбормайди. Иккинчиси рақибини қучоқлаб, ўнг қўли тагидан чап қўлини ўтказиб олади ва уни ўзига тортиб айлантиради. Курашнинг бошқа бир тури-оёқ солиш, чалиш, оёқ билан рақибининг оёғини тепиб йиқитишдан иборат”, деб ёзиб қолдирган эди. Буюк ва муқаддас Ватанимизда таваллуд топиб, вояга етиб муборак номлари афсоналарга айланиб кетган Алпомиш, Алп Эр Тўнга, Паҳлавон Маҳмуд сингари баҳодирлар кураш орқали ўзбек замини доврўғини жаҳонга ёйишган.

Ўзбек миллий кураши Амир Темур ва ворислари даврида айниқса тараққий этган. XIV аср иккинчи ярмида инсоният тарихида ёрқин қолдирган тенги йўқ буюк саркарда ва моҳир давлат арбоби, мамлакатимиз тимсоли Соҳибқирон ўз навкарларини чиниқтириш ва жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида курашдан самарали фойдаланган. Бу даврда кураш навкарларнинг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлигини



оширишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланган. Бизга маълумки, Амир Темур армияси ўз замонасининг энг салоҳиятли ва енгилмас кўшини ҳисобланган.

Туронзаминнинг суянган тоғларидан бири буюк соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) даврида ҳам миллий кураш, айниқса, равнақ топган. 10 ёшида Қуръони каримни ёд олиб, “Ҳофизи қуръон” рутбасини эгаллаган ўспирин Темурбек ўнг ва чап қўллари билан бемалол хат ёзган ва қилич ўйнатган. У ёшлигидан ҳарб илмини, чавондозлик ва қиличбозликни пухта ўрганган. Отаси Муҳаммад Тарағай 10 нафар аскар, устози Самар Тархон ва ўзи эса 50 нафар аскар даражасига етган, яъни 50 нафар аскарга тенг келадиган куч-қувватга эга бўлишган. Шунингдек ёш Темурбек миллий кураш илмини ҳам пухта эгаллаган эди.

Соҳибқирон ўз “Тузуқлари” да сипоҳ ва раиятга бир кўз билан тик қараб тақидлаганди! , “ Сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар довуракларга махсус фахрли ўтоқ (ўтов, камар ва ўқдон) тақдим этиб , мартабаларини кўтардим, (Темур тузуқлари- Т., 2011. Б.92). Темурбекнинг навкарлари бақувват бўлиши учун ҳар хил “Ўзбекистон” машқлардан самарали фойдаланишган, жумладан, кураш усулларини тинмай ўрганишган. Унинг тенгсиз, мард лашкарлари жангларининг муваффақияти навкарлар кураши натижасида эришилганлиги мозий тарих саҳифаларидан маълум.

Бу даврда кураш ниҳоятда оммавийлашиб, у жанг, томоша, мусобақа шаклда уюштирилган. Самарқанд, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз каби йирик шаҳарларда Наврўз байрамлари курашларсиз ўтмаган. Мусобақада ғолиб чиққан курашчи Суғдиёна полвони номини олиб, ҳурмат билан давра тўрига ўтказилган, унга талабгорлар бўлса курашга тушишган.

Амир Темур ўз саройида курашнинг бир қанча амалларини пухта биладиган паҳлавонларни сақлаган. Улар доимо соҳибқиронга яқин юриб, унинг тинчлигини муҳофаза қилганлар. Фақат саройларда бўлиб ўтадиган томошаларда улар ўз маҳоратларини намойиш этганлар. Масалан, Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз “Кундаликлари” да (1404) шундай ёзаган: “ Ўша ернинг ўзида майдонда иккита кураш тушадиган полвонлар бўлиб, улар зғнига енги йўқ теридан тикилган кийим кийиб олган роса кураш тушишиб, бир-бирини йиқита олмас эди. Шунда Пирмуҳаммад уларнинг бири йиқилмагунча курашни давом эттиришларини буюрди. (Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Испания элчиси нигоҳида Т.: Zamin nashr , 2019. Б.134)

Муаррих Ибн Арабшоҳ 1404 йил 19 июнда Амир Темурнинг Рум ва Шом юришидан қайтиб келгач, Кониғилда набираларини уйлантиришга бағишланган тўй ўтказилганлиги ҳикоя қилган. 10 ёшли Улуғбек мирзо ҳам шу тўй соҳибларидан бўлиб, у ҳам унаштирилган . Муаррих



Конирилдаги тўйни муфассал тасвирлаган: “Темур Самарқанд аҳлига зеби- зийнатга ўрашишни, улар устидан жазои ситамларни кўтариб, солиқ ва тўловларда озод қилишни, уларга омонлик бисотини ёзишни, аҳолидан каттаю-кичик, қуйи, юқори (табақали) кишиларга фазлу эҳсон билан муомала қилишни, ўз ерларида қилич яланғочламаслик, зулм ва ноҳақлик жорий қилмасликларни ҳамда уларга (Самарқанд аҳлига) ўз зебу зийнатлари билан Самарқанд этагида, бир милда жойлашган Конирил деб аталган жойга чиқишларини ташкил қилди “ (Ибн Арабшоҳ . Амир Темур тарихи. 1-к. Таржимон ва нашрга тайёрловчи У. Уватов.-Т., 1992. Б. 304-305). Табиийки, бундай тўй-тантаналар курашсиз ўтмаган, албатта.

Соҳибқирон юришларида аскарларнинг қўлларидаги найза, қилич ва бошқа қуроллар баъзан синган ёки қўлларида тушиб кетган . Шунда жангчилар яккама-якка қўл жанги қилишга мажбур бўлишган. Манбаларга кўра, Қарши шаҳри учун жангда “Амир полвони Мусо Ўзбек билан Ғози Бурғоний ўртасидаги жангда душман томонидан ўзининг кучи ва ботирлиги билан Баҳодир Ўзбек яқинлашиб, бошига қилич билан уради. Лекин Ғози Бурғоний Баҳодирга чап бериб, унинг қўлидан ушлаб қолади. Сўнгра Мусо Ўзбекнинг қўлларини орқасига қайриб олиб келади. Ғози Бурғоний Баҳодирнинг қаҳрамонлиги қадимий Рустам ва Исфандиёр ботирларнинг жасоратига ўхшайди. Бу воқеадан кейин

душманнинг ҳамма аскарлари жарликлар, қирлар орқали қочишади. Амир Темур баҳодирлари уларнинг орқасидан қувишади. Душман аскарлари шу тариқа қувиб юборилади.”

Навқирларга махсус кураш амаллари ўргатилган. Қарши қалъаси учун олиб борилган жангларда усуллар қўлланилган. Бу ҳақда соҳибқироннинг таржимаи ҳолида шундай дейилган: “ Жанг пайтида душман тарафидан ботирлиги ва бақуввалиги билан танилган паҳлавон яккаланиб қолди... У ҳамла қилмоқчи бўлди... Ғазо баҳодир паҳлавон иккала қўлини чўқмор билан бирга қўшиб, маҳкам ушлаб орқасига қайтариди ва бамисоли икки қаноти қайрилган қушдай судраб келтирган .” Бу эркин курашга ўхшаш амаллар ва усуллар ўша вақтларда мавжудлигини яққол исботлайди. Элчи Клавихо кундаликларида ёзишча: “ бу...халқнинг от устида қандай юришини ўз кўзи билан кўрмаган киши ишонмайди” .

Наврўз тантаналарида ҳамда Рўза ва Қурбон ҳайитларида , шунингдек кеч куздан то эрта баҳоргача бўш вақтларда кураш мусобақалари ўтказилган . Бу мусобақалар, айниқса Наврўз байрами кунларида кенг авж олиб, оммавий беллашув сифатида ташкил этилган. Курашда турли шаҳар ва қишлоқлардан келган полвонлар ҳам фаол иштирок этишган.

Соҳибқирон ўз салтанатида доимо ислом дини қонун қоидаларига биноан иш юритган. У ўз лашкарлари



билан бир мақсадни кўзлаб жанг қилишга, иложи борича бегуноҳ қон тўкилиши олдини олишга интилган.

Қавм ва давлатлар ўртасидаги низолар уларнинг полвонлари иштирокида ижобий ҳал этилиб ечимини топган. Ҳар бир томон ўз қўшинлари ичидан энг кучли полвонларини майдонга чиқариб олиштирган. Улар дастлаб жанг қуроллари: қилич, найза ёй, камонлар воситасида беллашишган. Агар қуроллар яроқсиз ҳолга келиб қолса, қўл билан урушишган. Мағлуб бўлган полвон, ҳаттоки бирон қўшиннинг вакили бўлса, шу қўшин енгилган деб ҳисобланган. Икки ботир жангчи ўртасидаги беллашув уруш оқибатини ҳал этган. Бу билан беҳуда қон тўкилишларининг олди олинган, албатта. Машҳур муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарида таъкидланганидек, Соҳибқирон Амир Темур 1379 йилда Хоразмга юриш қилганда ҳукмдор Ҳусайн Сўфийга уруш тақдирини яккама-якка курашда ҳал қилиш тўғрисида таклиф қилган эди (Шарафуддин Али Яздий. “Зафарнома”. –Т.,1997. Б. 86-87).

Аждодларимиз Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Юнонистон мамлакатларига боришиб, кураш тушишган ва ўз халқи шаънини ҳимоя қилишган. Амир Темур “Ўғитлари”да инсонларни мардликка ундовчи теран нақллар мавжуд: “Билаги зўр- бирни йиқар, билими зўр –мингни”, “Беткай (тоғ, қирнинг кунгай томони) кетар бел қолар, беклар кетар эл қолар”, “Бел олишганда отангни аяма”, “Курашиб

эришилмаган ғалаба, ғалаба эмас.”, “Шер йигитни номус ўлдирад”, “Ботир жангда билинар, доно- машваратда”, “Ботирлик- қонда бўлади” (Амир Темур ўғитлари- Т., 1992. Б.44-50).

Демакки, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари халқимизнинг, миллатимизнинг абадий фаҳри ва ғуруридир. Шу боисдан ҳам муаррихлар XIV-XV асрлар Соҳибқирон Амир Темур асри ёки Марказий Осиё тарихидаги буюк юксалиш иккинчи Ренессанс “Темурийлар Ренессанси” даври деб бежиз айтилмаган, чунки Темурийлар даврида ўзбек миллий кураши ҳам анча равнақ топган эди.

Темурийлардан ҳисобланган Заҳириддин Муҳаммад Бобур Шайбонийхон билан муҳорабадан сўнг мамлакатдан чиқиб кетиб, XVI бошларида Кобулни кейинчалик Ҳиндистонни забт этган. Бобур Мирзо ўз салтанати ҳудудида жисмоний тарбия турларининг ривож топишига катта аҳамият берган. “Бобурнома” да ўша даврда тараққий этган кураш ҳақида ҳам теран маълумотлар мавжуд.

Бобур Мирзо ўз салтанати ҳудудида жисмоний тарбия, жумладан кураш тараққиётига катта эътибор берган. Унинг отаси Умаршайх Мирзонинг мушти қаттиқ одам ҳисобланган ва муштлашиш бўйича жанглари ташкил этган. “Бобурнома” да тўй маросимлари тасвирланиб, туя, филлар, кўчқор уруштиришган, сўнгра кураш уюштирилиб, совғалар улашилганлиги баён этилган: “Ошдин бурунроқ сочиқ кюрур асносида маст теваларни ва филларни ўтрудоғи оролда урушқа



солдилар. Бир неча кўчқор ҳам уруштурдилар. Булардин сўнг куштигирлар кушти туттилар” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур Бобурнома. Т.: “Юлдузча”, 1989. Б.323)

Бобур мирзо кураш қоидаларига ўзи ҳам қаттий амал қилган. Ўша даврнинг удумига кўра, қаерда кураш бўлса, биринчи бўлиб ўша ернингэнг кучли полвони курашни бошлаб берган. Бошқа юртнинг зўр полвони келиб қолса, шу полвон билан энг охирида курашга тушилган.

“ Бобурнома” да у кемага ўтириб, дарёнинг нариги юзига ўтиб, паҳлавонларни курашга тушганлиги қайд этилган. Шунда Бобур мирзо, бу сафар қоидага хилоф равишда, Дўст Ясинхайрга паҳлавон Содиқ билан беллашмай, бошқалар билан курашни буюради. Шу куни Дўст Ясинхайрга омад кулиб боқади ва саккизта паҳлавонни йиқитади. “Бир замон ўлтуруб, кема била ул юзга ўтуб, куштигирларни куштира солдук. Дўст Ясинхайрга буюрулдиким, паҳлавон Содиқ била тутмай, ўзгалар била миёнгирилик қилғай. Хилофи қоида буюрулдиким, аввал зўрроқларни миёнгирилик қилғай. Саккиз кишини яхши миёнгирилик қилди” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Б. 332).

Бобур мирзо лашкарлари орасида паҳлавон Содиқ энг кучлиси эди. У нафақат ўз юртида, ҳаттоки Афғонистон ва Ҳиндистонда энг зўр полвон деб ҳисобланган. Бобур мирзонинг яхши фазилатларидан бири шу эдики, у паҳлавонларни эъзозлаган, уларнинг иззат- ҳурмати ва обрўсини

жойига қўйган. Бобур мирзо бир оролда овқатдан сўнг Содиқ билан Кулолни курашга солмоқчи бўлганлига Кулол даъво қилиб, йўлдан чарчаб келганлигини, бел тутиш учун йигирма кун муҳлат беришни сўраганлиги, шундан сўнг қирқ- эллик кун ўтди, сўнг Кулол Содиқ билан бел тутди. Лекин Содиқ осонликча ғалабага эришганлиги, Содиққа ўн минг танга ва эгарлик от, бош-оёқ сарпо, тугмалик чакмон берилган. Кулол мағлуб бўлганидан кўнгли ранжимаслиги учун, унга бош-оёқ сарпо ва уч минг танга инъом этилганлигини ёзади. “ Чаҳоршанба куни етти гуруҳ келиб, Одамपुर парганасига тушулди. Ушбу кун тонгдин бурун отланиб, ёлғуз тушлаб келиб, Жўн дарёсида еттим. Жўнни ёқалаб, қуйиға юрудум, Одамपुर тўғрисиға етганда бир оролда ўрдунинг ёвуғида шомиёналар тиктуруб, маъжун ейилди. Ушбу кун Содиқ била Кулолни куштира солдук. Кулол даъво била келиб эди. Ограда кушти тутмоққа йўл кўфтини узур айтиб, йигирма кун муҳлат тилади. Қирқ-эллик кун муҳлатидин ўтти. Букун зарур бўлди кушти тутти. Содиқ яхши кушти тутти, хейли осон йиқти. Содиққа ўн минг танга ва егарлик от ва бош-оёқ ва тугмалик чакмон инъом бўлди. Бовужудким, Кулол йиқилиб эди, маъюс қилмай, анга ҳам сару пой ва уч минг танга инъом бўлди.” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Б. 331).

Ушбу кураш тафсилоти Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедиясида ҳам ёзилганидек: “ Кулол Куштигир-



Бобур полвонларидан бири. Бобур Ҳиндистоннинг Парганасига (маъмурий-худудий бирлик) боришда куштигарликка даъвогарларни таклиф этади. Унинг хизматидаги Содиқ Паҳлавонга Кулол Куштигир талабгор бўлиб, Аграга келади. У йўлдан чарчаб келганлигини айтиб, йигирма кун муҳлат сўраган. Орадан қирқ-эллик кун ўтгандан сўнг Кулол Куштигир Жамна дарёси бўйида (Одамपुर яқинида) Содиқ Паҳлавон билан кураш тушади. У одиллик билан йиқилсада, Бобур “маъюс бўлмасин” деган мақсадда сарпо ва уч минг танга инъом қилган” (Заҳиридин Муҳаммад Бобур энциклопедияси. Т.: “Шарқ”, 2015. Б.298).

Бобур мирзо лашкарлари орасида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистондан кучли полвонлар бўлган. Шоҳ қаерга борса, ўша ерда курашларини уюштирган. Бу ҳақда “Бобурнома”да душанба куни ойнинг тўртида кемага чиқиб, дарё ёқалаб тушган жойида полвонларни курашга туширилгани, Паҳлавон Лохурий билан Дўст Ясинхайр олишгани, қийин кечган курашда Дўст йиқитгани ва иккаласига сарпо инъом этилгани ёзилган, “Тушган юртта куштигарларни куштига солдук. Паҳлавон Лохурий киштибон била Дўст Ясинхайр кушти тутти. Қалин талашти, ташвиш била Дўст йиқитти. Иккаласига сарупо инъом бўлди “ (Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома” Б.333.)

Шунингдек “Бобурнома” да кураш жараёнини тасвирловчи қизиқарли лавҳалар ҳам мавжуд: “Намози дийгар

Куштигирлар кушти туттилар. Чаҳоршанба куни ул юртга мақом эди. Бу кун куштигирлар кушти туттилар. Паҳлавон Уайиким, бурн келиб эди, бу фурсатга келган Ҳуиндустоний куштигир била курашиб йиқди. Яҳё Нухамийга ўн беш лаклик ер Сарвардин важҳига бериб, сарупо кийдуруб, рихот берилди” (Бобурнома. Б.346).

“Панжишанба куни ойнинг ўн бешида Тижорадин Чин Темур Султон келиб, мулозамат қилди. Ушбу кун Паҳлавон Содиқ била Улуғ Удий куштигир кушти туттилар. Содиқ нимкора йиқди. Хейли ташвиш тортти” (Шу асар. Б. 348). Демакки, “Бобурнома”даги ушбу ёрқин лавҳалар Бобур мирзо даврида кураш ниҳоятда оммалашганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли юртимизда ўзбек миллий кураши анъаналари кенг кўламда илмий тадқиқ этила бошланди. Бу соҳада таниқли қадимшунос олим, академик А. Асқаров ҳамда етук мутахассислардан А. Рўзиев, Н. Азимовларнинг теран илмий тадқиқотлари еълон қилинди (А. Асқаров Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши. “Турон тарихи”, Т., 2002. Б. 15-17; Шу муаллиф. Ўзбек миллий курашининг археологик материалларда акс этиши-Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномадиний жараёнлар. 2-қисм Т., 2005. Б. 3-13; Н. Азизов. Туркистон белбоғли кураши Т., 1998; Шу муаллиф. Белбоғли кураш Т., 2001; А. Рўзиев, Н.Азизов. Ўзбек миллий бел олиш кураши. Т., 2010.).



Жаҳон ҳамжамияти 1998 йил 6 сентябрда ўзбек курашини халқаро спорт тури сифатида расман тан олди ва Осиё, Европа ҳамда Америка қитъасининг 28 та давлати вакиллари иштирокида ўтказилган таъсис конгрессида Халқаро кураш ассотцияси (ХКА) га асос солинди. У халқаро миқёсида ўзбек курашининг намоён этувчи расмий халқаро спорт турига айланди. Айни пайтда ассоцияга 129 та давлат аъзо ҳисобланади. ХКАнинг саъй-ҳаракати билан кураш бўйича 500дан зиёд жаҳон чемпионлари ва халқаро турнирлар юқори савияда ташкил этилди. 300 нафардан ортиқ спортчи юртдошларимиз ғолиб ва совриндор бўлишди.

2011 йилнинг июлида Япониянинг Токио шаҳрида Осиё Олимпия кенгашининг навбатидаги Бош Ассамблеяси бўлиб ўтди. Унда 2013 йилида Жанубий Кореянинг Инчсон шаҳридаги ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган жанговар яккакурашлар бўйича IV Осиё ўйинлари дастури муҳокама қилинди. Энг қувонарлиси шуки, Осиё Олимпия кенгаши қарорига кўра, кураш IV Осиё ўйинлари дастурига расман киритилди. Қайд этилишича, мазкур нуфузли турнирда эркаклар ва аёллар ўртасида ўн тўрт вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади.

2012 йил 26 май кuni Қарши шаҳрида жаҳоннинг 23 та давлатидан ташриф буюрган энг донгдор полвонлар Соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишлаб кураш бўйича Ўзбекистон биринчи Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган

VI халқаро турнирда ўз маҳоратларини намоёиш этдилар. Бу халқаро турнир муваффақиятли яқунланиб, ўзининг кўп минг йиллик мозий тарихига эга бўлган миллий курашининг тинчлик ва ҳамкорлик елчиси еканлигини яна бир карра исботлади. 2014 йилда шундай халқаро турнир Термиз шаҳрида ҳам ўтказилди.

Қадимги ўзбек жисмоний маданиятининг шаклланишида муҳим ўринда бўлиб келган миллий спорт турларидан << Бухороча кураш >> ҳамда << Фарғонача кураш >> лар бугун замонавий тус олди ва халқаро спорт тури даражасигача кўтарилиб, жаҳон узра << Кураш >> ҳамда << Белбоғли кураш >> номлари билан ўзбек миллатини дунёга танитиб келмоқда.

Ўзбек миллий курашининг бухороча услуги бундан тўрт минг йил олдин ўтган Сиёвуш даврида ҳам мавжуд эди. Аҳамонийлар, Сомонийлар, Тоҳирийлар, Қорахонийлар, Темурийлар, Шайбонийлар ва манғит сулолалари даврида ҳам кураш давом этган. Бу кураш усулининг қоидаларига кўра, полвонлар соғлиғига зарар етказувчи усуллар қатъий тақиқланган. Кураш давомида белнинг пастидан ушлаш, белбоғни торта туриб, қасддан қўйиб юбориш, оёқдан олиш, қўлларни қайириш, тишлаш, муштлашиш мумкин бўлмаган.

Бухороча курашда “Қоқма”, ички томондан “Пойпечак” қилиб ағдариб, рақибини ошириб отиш, тизза томони билан “Илмоқ” қилиб елкасидан ошириб ташлаш, “қўшша”, “илдирма”, “Ўрама”, “Норпуш”, “Кифдон”,



“Қайтарма”, “Бурама”, “Кўтариб бураб ташлаш”, “Ёндош” ва бошқа усуллар қўлланилиди. (Х. Норбоев : Сурхон полвонлари. Т.: ЎЗМЭ, ДИН, 2010. Б.5-6.).

Кураш спорт мусобақалари миллий урф-одат ва қадирятларимиз, буюк аجدодларимиз мероси ва анъанаси, бу мусобақаларнинг қонун-қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда ташкил қилиниши халқимиз турмуш тарзида катта аҳамиятга эгадир. Кураш давраларини бакавулсиз тасаввур этиб бўлмайди. Улар полвонларга ажратилган соврин зотларнинг ҳисоб-китобини тўғри юритишга, ғолиб полвонларга уларни тўлиқ беришга, курашга тушганларнинг барчаси адолат кўзи билан билан қарашга ҳаракат қиладилар

Тўйларимиздаги кураш мусобақаларида “Тобоқ ташлаш”, “Меҳмон келди”, “Белгиси бор”, “Олтин сандиқ” удумлари ҳам бор. Курашнинг соғлом авлодни тарбиялашда, жумладан мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ҳарбий санъатни такомиллаштириб боришда ҳам аҳамияти беқиёсдир. Таъбир жоиз бўлса, кураш миллатни, халқни шакллантирувчи тарихий қадриятлардан биридир.

Бугунги кунда курашга бўлган эътибор фидойи полвонларимизга куч-қудрат бағишлаб улар ўз ҳаётий тажрибалари асосида курашимизнинг сир-асрорларини ўзида мужассамлаштирган янги қоидаларини, мусобақаларни ўтказиш тартиби, ҳакамлар ва полвонлар кийимларини жаҳон андозасига мос равишда ишлаб

чиқдилар. Ана шу янги қоидалар асосида 1992 йилдан нуфузли беллашувлар бошланиб кетди. Қорақўлда-Турсунота, Шаҳрисабзда-Амир Темур, Сурхондарёда-Ат-Термизийлар, Бухорода-Баҳоуддин Нақшбанд, Андижонда-Бобур Мирзо, Хоразмда-Паҳлавон Маҳмуд хотираларига бағишлаб Президент соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар ўзбек курашининг юксак даражага кўтаришда, жаҳон спорт оламига янги тур бўлиб киришга катта ҳисса қўшди. Жаҳонда Президент соврини учун мусобақалар кўплаб уюштирилмоқда.

Кураш мусобақалари ёшларга миллий ғояни сингдиришда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, Паҳлавон Маҳмуд Ўзининг кураш тушиш маҳорати эвазига Ҳиндистонда асир тушган хоразмлик юртдошларини озод этган, буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг жаҳонга машхур бўлишида кураш муҳим ўрин эгаллаганлигини ёшлар онгига сингдириш орқали уларда жисмоний тарбия ва оммавий спортга, хусусан, кураш спортига бўлган қизиқиш ва интилишларни кучайтириш, юртига, халқига, Ватанига бўлган садоқат, ғурур, ифтихор ва меҳр-муҳаббатини оширишга эришамиз.

Истиқлол даврида Ўзбекистон ёшларини жисмонан баркамол, маънавий етук, руҳан соғлом интеллектуал ривожланган тарзда тарбиялаш, миллий урф-одатлар, анъаналар қадриятларимизни тиклашга доир улкан ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай тарихий қадриятларимиздан кўплаб анъанавий



курашимиз туфайли дунёга танилишга муяссар бўлиб келмоқдамиз. Миллий маданиятимизни дурдоналаридан ҳисобланиб келган миллий курашни қанчалик аҳамиятга молик эканлиги тарихий қадриятларни, мардлик, жасурлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини ўзида мужассам этганлигидан ҳам яққолқўриниб турибди.

Давлатимиз ва Кураш халқаро ассоциациясининг девосита раҳномалиги остида “Кураш” халқаро спорт тури сифатида кенг эътироф этилди. “Кураш”, “ҳалол”, “таъзим”, “ёнбош”, “тўхта”, “ғирром”, “вақт”, “дурранг”, “дакки”, “елка”, “танбеҳ”, “бекор” каби атамалар эса халқаро спорт сўз ва иборалари қаторидан мустаҳкам ўрин олди.

Агарда Япония миллий спорт иўқибозлари тасавурида- дзюдо, каратэ, сумо, Хитой –ушу ва кунгфу, Корея- таэквандо ва сирим, Англия- футбол, Канада- шайбали ҳоккей, АҚШ- бейсбол, баскедбол ватани ҳисобланса, энди Ўзбекистон жаҳонда кураш юрти сифатида эътибоф этилмоқда.

2017 йил 20 сентябрда Ашхобод шаҳрида бўлиб ўтган Осиё Олимпия

кенгашининг 36-Бош ассамблеясида кураш тарихида илк бор XVIII ёзги Осиё ўйинлари дастуриларига киритиш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20-сентябрда қабул қилган “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида “ги қарори бунинг яққол исботидир. Маскур қарор асосида “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқилди ва тасдиқланди („Халқ сўзи“ 2017 йил 3-нашр)

Хуллас, Ўзбекистон ҳудудида истиқолат қилувчи аҳолининг энг сеvimли ва ардоқли удумларидан ҳисрбланган кураш Соҳибқирон Амир Темур ва ворислари даврида ривожланди ва мустақиллик даврида эса янада равнақ топди. Шу маънода асрлар оша миллий кураш ўзбекларнинг қон-қонига ва суяк-суягига чуқур сингиб кетган миллий удумлардан бири деб такидласак асло муболаға бўлмайди.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ozbek tilining izohli lug'ati 2 j T 2006 B 433
2. Navoiy asarlari uchun qisqacha lug'at T1993 B 133.3. Boburnoma uchun qisqacha lug'at . Andijon 2008. B 96
3. Temur tuzuklari T. 2011. B.92
4. Rui Gonzalez De Klavijo Amir Temur ispaniya elchishi nigohida. T. Zamin nashr 2019 B 134
5. Ibn Arabshoh Ajoyib ul maqdur fi-t Tarixi Taymur (Amir Temur tarixi . Tarjimon va nashrga tayyorlovchi U. Uvvatov T. 1992 B. 304 -305
6. Amir Temur o'g'itlari T.1992 B 46 -50



EURASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES, PHILOSOPHY AND CULTURE

Innovative Academy Research Support Center

www.in-academy.uz

7. Zahiriddin Muhammad Bobur ensklopediyasi T.2015 B 297
8. Zahiriddin Muhammad Bobur Boburnoma 133
9. Ahmadali asqarov . Turon tarixi . T. 2002 B 15 – 17
10. N Azizov Turk iston belbog'li kurashi T.1998